

25-84-241098 сонли

**ГАРОВГА БЕРИЛАЁТГАН АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ВА АВТОКРЕДИТЛАРНИ  
СУФУРТА ҚИЛИШ БОШ ШАРТНОМАСИ**

Тошкент ш.

«30» июл 2024 йил

Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан 2023 йил 26 сентябрда берилган 135840-сон лицензия асосида ҳаракат қиласиган, кейинги ўринларда «Суфурталовчи» деб аталаған “SEMURG INSURANCE” АЖ номидан Низом асосида ҳаракат қилувчи Бош Директор Р.Кадиров бир томондан, ва кейинги ўринларда “Наф олувчи/Қарз берувчи” деб номланувчи “DAVR BANK” ХАТБ, унинг номидан Низом асосида фаолият юритувчи Бошқарув Раиси А.А.Самадов иккинчи томондан, мазкур Гаровга бериладиган автотранспорт воситалари ва автокредитларни суфурта қилиш бош шартномаси (кейинги ўринларда - Суфурта шартномаси) ни куйидагилар түғрисида туздилар:

**I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ.**

**1.1.** Суфурталовчи, мазкур суфурта шартноманинг шартларига мувофиқ, шартномада белгиланган суфурта ҳодисаси юзага келганда кредит шартномасида кўрсатилган Суфурта қилдирувчининг олган кредит суммасини суфурта полисида кўрсатилган суфурта даври мобайнида қайтара олмаган қисмини тўлаб бериш ҳамда кредит шартномаси асосида ҳарид қилинадиган (гаровга қўйилаётган) автотранспорт воситасига етказилган зарарни қоплашни зиммасига олади. Суфурта қилдирувчи/Қарз олувчи эса мазкур суфурта шартномасида кўзда тутилган тартибда ва муддатларда суфурта мукофотини (бадалини) тўлашни зиммасига олади.

**II. АТАМАЛАР.**

**Суфурталовчи** – Суфурта шартномасига мувофиқ суфурта товонини тўлаш мажбуриятини зиммасига олувчи юридик шахс – “SEMURG INSURANCE” АЖ.

**Суфурта қилдирувчи/Қарз олувчи** – Суфурта шартномасига асосан ўз мулкий манфаатларини ёки учинчи томоннинг мулкий манфаатларини суфурталайдиган томон.

**Наф олувчи/Қарз берувчи** – Суфурта қилдирувчи томонидан суфурта шартномаси бўйича суфурта тўловларини олиш учун белгиланган юридик шахс – “DAVR BANK” ХАТБ.

**Суфурта шартномаси** – ёзма келишув бўлиб, унга кўра суфурталовчи келишувда шартлашилган ҳак (суфурта мукофоти) эвазига келишувда назарда тутилган воея (суфурта ҳодисаси) содир бўлганда суфурта қилдирувчига суфурта товонини тўлаш мажбуриятини олади.

**Суфурта ҳодисаси** – амалда юз берган, унинг салбий ёки бошқа турдаги белгилаб қўйилган оқибатларига боғлиқ холда Суфурталовчининг суфурта товонини тўлаш мажбурияти юзага келадиган ҳодиса.

**Суфурта суммаси** – Суфурталовчи унинг доирасида суфурта шартномаси бўйича суфурта товонини тўлаш мажбуриятини зиммасига оладиган сумма бўлиб, унинг миқдори Суфурта қилдирувчининг Суфурталовчи билан келишуви орқали белгиланади.

**Автотранспорт воситаси** – кредит шартномаси асосида ҳарид қилинадиган автотранспорт воситаси.

**Суфурта товони** – Суфурталовчи томонидан Суфурта қилдирувчига/Наф олувчига суфурта шартномасида кўзда тутилган суфурта ҳодисаси юзага келиши туфайли келиб чиқкан заарларни белгиланган тартибда қоплаш учун тўланадиган сумма.

**Суфурта тарифи** – суфурта мукофотининг суфурта суммасига нисбатан меъорланган миқдори. Мутлак пул кўринишида ёки суфурта суммасидан фоизларда аниқланади.

**Суфурта мукофоти (бадали)** – Суфурта қилдирувчи Суфурталовчига суфурта шартномасида белғиланган тартибда ва муддатларда тўлаши щарт бўлган суфурталаш учун тўлов.

**Суфурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатнома** – Суфурталовчи томонидан унинг суфурта ҳодисаси юзага келганилигини эътироф этиши пайтида тузиладиган ва суфурта товонини тўлаш учун асос бўладиган хужжат.

**Суфурта полиси** – Суфурталовчининг мазкур шартнома бўйича мажбуриятлари кучга кириши ҳолатини тасдиқлайдиган, Суфурта қилдирувчига унинг суфурта мукофотини ёки унинг биринчи қисмини (бадалини) тўлашидан кейин бериладиган хужжат.

**Шартсиз франшиза** – Суфурта қилдирувчи заарларининг маълум қисми бўлиб, уни қоплаб бериш бўйича Суфурталовчи жавобгар бўлмайди. Шартсиз франшизада Суфурталовчининг жавобгарлиги франшизанинг суммаси айрилган заарнинг миқдори билан белгиланади.

**Суфурта обьекти** – мазкур суфурта шартномаси бўйича 2 та риск суфурталанган бўлиб, биринчи риск бўйича суфурта қилдирувчининг олган кредитини қайтара олмаслиги билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлмаган мулкий манфаатлар, иккинчи риск бўйича гаровга қўйилаётган автотранспорт воситалари билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлмаган мулкий манфаатлар хисобланади.

**Суфурталаш муддати** – суфурта обьекти суфурталанган вақт оралиғи.

**Кутиш даври** - шартномада кўрсатилган тўлов санасидан бошлаб ҳисобланадиган, суғурта шартномасида келишилган воқеа натижасида содир бўлган заарни қоплашгача ўтиши лозим бўлган кетма-кет календарь кунлари сони – 365 кун (кутиш даври - қарз олувчининг олган кредитини қайтара олмаслик жавобгарлигини суғурта қилиш риски бўйича қўлланилади).

Географик зона – Ўзбекистон Республикаси.

### III. СУҒУРТА ҲОДИСАЛАРИ.

3.1. Мазкур суғурта шартномаси бўйича қўйидаги рисклар суғурта қилинади:

3.1.1. Суғурта қилдирувчининг/Қарз олувчининг олган кредитини қайтара олмаслик жавобгарлигини суғурта қилиш - Суғурта ҳодисаси бўлиб, Суғурта қилдирувчининг/Қарз олувчининг суғурта шартномаси амал қилиш муддати давомида баҳтсиз ҳодиса туфайли вафот этиши натижасида кредит тўловларини шартномада белгиланган муддатда ва миқдорда қайтара оламаслиги ҳисобланади.

3.1.2. Автотранспорт воситасининг йўқотилиши ёки шикастланиши - Суғурталовчи кредит шартномаси асосида ҳарид қилинган (суғурталанган) автотранспорт воситасига ер ости сувларининг таъсир этиши, сел, яшин уриши, зилзила ва учар жисмларнинг тушиб кетиши натижасида етказилган заарларни қоплаб беради.

### IV. ИСТИСНОЛАР.

4.1. Суғурта қилдирувчининг/Қарз олувчининг олган кредитини қайтара олмаслик жавобгарлигини суғурта қилиши.

4.1.1. Мазкур суғурта шартномаси бўйича суғурталовчи қўйидаги ҳолатларда Суғурта қилдирувчининг/Қарз олувчининг юзага келган заарлари бўйича жавобгарлик олиб бормайди:

- кредитлаш тартиби ва коидаларига амал қиласлик натижасида ва кредит маблағини мақсадли ишлатилмаслиги оқибатида кредит суммасининг тўлиқ ёки қисман қайтарилмаслиги;

- мазкур суғурта шартномасининг 3.1.1. бандида кўрсатиб ўтилган таваккалчилклардан ташқари ҳодиса содир бўлган бўлса;

- agar Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи ёки Наф олувчи/Қарз берувчи ўз вақтида суғурталовчини белгиланган муддатда амалга оширилмаган тўловлар бўйича ва суғурта ҳодисалари юзага келганда ўз вақтида ёзма равишда огоҳлантирган бўлса;

- Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи ёки Наф олувчи/Қарз берувчи томонидан суғурталовчига зарар миқдорини ва келиб чикиш сабабини аниқлашда ҳалақит берса;

- agar Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи ёки Наф олувчи/Қарз берувчи қўйидаги қўпол хатоликларга йўл қўйса: ҳақиқий бўлмаган битимларга кредит бериш; кредит шартномаси шартларини бузиб ўз вақтида кредит ажратмаслик; кредит ўтказилишида ва қайтаралишида хатоликларга ва коида бузилишларига йўл қўйиш; суғурта ҳодисаси юзага келганда Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи томонидан тўланган маблағларни кредит қайтарилиши сифатида эмас бошқа мақсадларга кирим қилинган бўлса; кредитни мақсадли ишлатилиши бўйича назорат қилинмаган бўлса; кредит тўлиқ миқдорда берилмаган бўлса;

- Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи ёки Наф олувчи/Қарз берувчи суғурта ҳодисасини келтириб чиқаришга каратилган қасдан қилган ҳаракатлари (кредит олишдаги товламачилик, ноқонуний тадбиркорлик, ўғирлик, порахўрлик, фирибагарлик, ҳокимият ёки мансаб ваколатларини сустеъмол килиш, ёлғон, сохта банкротлик);

- Наф олувчи/Қарз берувчи Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчининг кафилидан ташқари барча учинчи шахсларнинг молиявий мажбуриятларини бажармаслиги, банкротлик ёки тўлов қобилиятига эга эмаслиги.

4.1.2. Суғурталовчи қўйидаги ҳолатларда - Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи ёки Наф олувчи/Қарз берувчига суғурта товонини тўламаслик хукуқига эга:

- мазкур суғурта шартномаси амалда бўлган даврда Наф олувчи/Қарз берувчи суғурталовчи билан келишмасдан, унинг ёзма розилигини олмасдан кредитни (карзни) қайтариш графикларини (тўлаш санаси, суммаси) ўзгартирса, унга ўзгартириш киритса ёки бошқа шартларига қўшимча ёки ўзгартиришлар киритса;

- Наф олувчи/Қарз берувчи кредит шартномаси шартларини бажармаса, шунингдек қарз олувчиди кредитни қайтариш имконияти бўла туриб, банк томонидан қарзни кредит шартномасида кўрсатиб ўтилган вақтда ва миқдорда ундириш чоралари кўрилмаган бўлса.

4.1.3. Суғурта қўйидагиларга нисбатан тадбиқ этилмайди:

- кредит шартномаси асосида ҳисобланган ҳар кандай кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар, қарз олувчининг кредит шартномаси шартларини бажармаганлиги учун ҳисобланган пеня, жарима ва бошқа пул маблағлари;

- Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи ёки Наф олувчи/Қарз берувчининг судда ўз хукукларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳаражатлари, шу жумладан суд ҳаражатлари;

- Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчининг кредит суммасини қайтаришда адашиб бошқа счетларга ўтказиши ёки шу билан боғлиқ нотўғри амалга оширилган ўтказмалардан кўрилган заарлар.

4.2. Автотранспорт воситасининг йўқотилиши ёки шикастланиши.

**4.2.1. Агар ҳодиса қўйидагилар натижасида юз берса, у суғурта ҳодисаси ҳисобланмайди:**

- мазкур суғурта шартномасининг 3.1.2. бандида кўрсатиб ўтилган таваккалчиликлардан ташқари ҳодиса содир бўлган бўлса;

- Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчининг ёки автотранспорт воситаси уларнинг тасарруфида бўлган бошка шахсларнинг суғурта ҳодисаси юзага келишига қаратилган қасддан қилган ҳаракатлари, уларнинг ўз фуқаролик бурчини бажариши ёхуд ўзининг ва учинчи шахсларнинг ҳаётини, соғлигини, шаъни ва қадр-кимматини ҳимоялаш билан боғлиқ ҳаракатлар бундан мустасно;

- исталган шаклдаги алкоголли, гиёхвандлик ёки токсик мастилиги ҳолатида ёки реакция тезлигини ва дикқатини пасайтирувчи дори препараторларининг таъсирида бўлган Ҳайдовчининг автотранспорт воситаларини бошқариши, шунингдек агар суғурталанган автотранспорт воситасининг ҳайдовчиси ЙТХ жойидан қочиб яширинса ёки тиббий кўрикдан (мастлик ҳолатини аниқлаш бўйича экспертизадан) ўтишдан бош торгса;

- ҳайдовчининг оловдан ва портлашдан хавфли моддаларни ва буюмларни саклаш ва ташиш қоидаларини бузиши;

- ҳайдовчининг темир йўлдан ўтишда йўл ҳаракати қоидасини бузиши, светофорнинг қизил сигналида (қизил чироқ ёнганда) ҳаракатланиши ва йўлнинг қарама-қарши ҳаракат йўл тасмасига чиқиши;

- йўлнинг ҳаракат қисмининг нотекислиги ёки ёмон ҳолати, ўткир буюмларни босиб ўтиши туфайли шиналарнинг шикастланиши, агар уларнинг шикастланиши автотранспорт воситасининг шикастланишига ёки нобуд бўлишига олиб келмаган бўлса;

- доимий таъсир этувчи фойдаланиш омилларининг таъсири (эскириш, эрозия, коррозия, қуйқа ҳосил бўлиши ва ҳоказо), умуман автотранспорт воситаси, шу жумладан унинг айрим деталлари ва тармоқларининг аста-секин шикастланиши.

**4.2.2. Кўйидагилар учун суғурта товони тўлашниради:**

- ташқи омиллар сабаб бўлмаган ички бузилишлар учун;

- автотранспорт воситасига ўрнатилган ва унинг заводдаги бутланишига кирмайдиган қўшимча жихоз-ускуналар суғурта шартномасининг жадвалида тегишли позиция бўйича маҳсус кўрсатилган бўлмас;

- автотранспорт воситасининг ўғирланиши, унинг учинчи шахсларнинг ноконуний ҳаракатлари оқибатида йўқ қилиниши ёки шикастланиши учун, агар ваколатли органларга ариза берилмаган бўлса, шунингдек агар ушбу ҳолат ваколатли органлар томонидан тасдиқланмаган бўлса;

- автотранспорт воситасининг шикастланиши оқибатида унинг товар кўриниши йўқотилишидан кўрилган заарлар;

- Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига шикастланган автотранспорт воситасини ёки унинг қолдиқларини тақдим этишдан бош торган ҳолда, улар қолдиқсиз нобуд қилиниши мумкин бўлган ҳолатлар бундан мустасно;

- суғурталанган автотранспорт воситаси давлат органларининг қарорига кўра олиб қўйилиши, мусодара, реквизиция қилиниши, хатланиши ёки йўқ қилиниши оқибатида юз берган заарлар;

- суғурталанган автотранспорт воситасини қаровсиз (эшикларни очик қолдириш, калитни ўт олдиргич оғзида қолдириб кетиши) қолдириш оқибатида автотранспорт воситаси олиб кочилса.

**4.3. Умумий истиғонлар.**

**4.3.1. Суғурталовчи Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи ёки Наф олувчи/Қарз берувчига суғурта товонини тўлашни рад этишга ҳақлидир, агар:**

- суғурталанган автотранспорт воситаси Суғурталовчи билан ёзма келишувсиз лизингга, ижарага, прокатга ёки гаровга берилган бўлса;

- Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи ёки Наф олувчи/Қарз берувчи мазкур шартномада кўзда тутилган мажбуриятларни бажармаган бўлса;

- амалдаги қонунчиликка мувоғиқ суғурталанган автотранспорт воситасини бошқариш ҳукуки бўлмаган шахс суғурталанган автотранспорт воситасини бошқарган бўлса;

- ҳодиса тўғрисидаги аризада Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи, Наф олувчи/Қарз берувчи ёки унинг вакили заарнинг сабаблари ва миқдори тўғрисида ёлғон маълумот кўрсатган бўлса;

- Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи, Наф олувчи/Қарз берувчи ёки унинг вакили заарнинг сабаблари ва миқдорини аниқлаш учун керакли хужжатларни тақдим этмаган бўлса;

- Суғурта ҳодисаси тўғридан-тўғри ёки билвосита хавф даражасининг ўзгариши (8.2.4.-банд) туфайли юзага келган бўлса ва бу ҳақда Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи ёки Наф олувчи/Қарз берувчи Суғурталовчини ўз вақтида хабардор килмаган тақдирда;

- суғурта ҳодисаси суғурта шартномасида кўрсатилган географик зонадан ташқарида автотранспорт воситасидан фойдаланганда юз берган бўлса.

**4.3.2. Агар ҳодиса қўйидагилар оқибатида юзага келган бўлса, Суғурталовчи суғурта товонини ва суғурта суммасини тўлашни озод этилади:**

- автотранспорт воситасидан бошқаришга ўргатиш мақсадида ёки мусобақаларда ва синовларда иштирок этиш, фойдаланиш;

- ядрорий портлаш, радиация ёки радиоактив тарқалиш таъсир этиши;

- ҳарбий ҳаракатлар, маневрлар ёки бошқа ҳарбий чора-тадбирлар.

#### V. СУГУРТА ҚИЙМАТИ, СУГУРТА СУММАСИ, ФРАНШИЗА МИҚДОРИ, СУГУРТА МУКОФОТИ, УНИ ТЎЛАШ ШАКЛИ ВА ТАРТИБИ.

5.1. Кредит шартномасига асосан ажратилаётган кредит суммаси ушбу сугурта шартномасининг 1-Иловасида кўрсатилган.

5.2. Гаровга қўйилаётган автотранспорт воситасининг сугурта қиимати ушбу сугурта шартномасининг 1-Иловасида кўрсатилган.

5.3. Мазкур сугурта шартномаси бўйича сугурта суммаси ушбу сугурта шартномасининг 1-Иловасида кўрсатилган.

5.4. Мазкур шартнома бўйича умумий сугурта мукофоти (бадал) ушбу сугурта шартномасининг 1-Иловасида кўрсатилган.

5.5. Сугурта мукофоти Суфурта қилдирувчи/Қарз олувчи томонидан бир йўла нақд пул, пул ўтказиш йўли билан мазкур шартнома имзоланганидан кейин 3 (уч) банк куни ичida тўланади.

5.6. Сугурта полиси сугурта мукофоти нақд пулсиз тўланганда Суфурталовчининг ҳисоб рақамига келиб тушганидан кейин 3 (уч) банк куни ичida, нақд пул билан тўланганда эса ўша вақтнинг ўзида берилади.

5.7. Агар сугурта пули сугурта қииматидан кам қилиб белгиланган бўлса, сугурталовчи сугурта ҳодисаси юз берганида сугурта қилдирувчига (наф олувчига) у кўрган зарарни сугурта пулининг сугурта қииматига бўлган нисбатига мутаносиб равишда қоплаши шарт.

5.8. Ҳар бир сугурта ҳодисаси бўйича ва ҳар бир автотранспорт воситаси бўйича шартсиз франшизанинг миқдори ҳар бир автотранспорт воситасининг сугурта суммасидан 0,0 (ноль) фоизни ташкил этади.

5.9. Мазкур сугурта шартномаси бўйича барча ҳисоб китоблар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида (сўмда) амалга оширилади.

#### VI. СУГУРТА ШАРТНОМАСИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ.

6.1. Мазкур сугурта шартномаси ушбу сугурта шартномасининг 1-Иловасида кўрсатилган муддатга тузилган.

6.2. Суфурталовчининг жавобгарлиги сугурта мукофоти (транши/қисми) Суфурталовчининг ҳисоб рақамига келиб тушгандан бошланади ва сугурта полисида кўрсатилган муддатда амал қиласи.

6.2.1. Қарз олувчининг олган кредитини қайтара олмаслик жавобгарлигини сугурта қилиш бўйича сугурталовчининг жавобгарлиги сугурта мукофоти (бадали) тўланган кундан бошлаб кучга киради ва ушбу сугурта шартномасининг 1-Иловасида кўрсатилган муддат амал қиласи. Агар мазкур муддат ичida автотранспорт воситаси ҳарид қилинганидан сўнг мазкур риск бўйича сугурта жавобгарлиги тўхтатилади ва сугурта муддати автотранспорт воситасининг йўқотилиши ёки шикастланиши риски бўйича давом эттирилади.

6.2.2. Автотранспорт воситасининг йўқотилиши ёки шикастланиши риски бўйича Суфурталовчининг жавобгарлиги мазкур сугурталанаётган автотранспорт воситаси ҳарид қилингандан ва расмийлаштирилгандан бошлаб кредит муддатининг охиригача амал қиласи.

6.3. Суфурталаш муддати сугурта полисида қайд этилади.

6.4. Кредит шартномаси узайтирилганда, сугурталаш даври қўшимча сугурта мукофотини тўлаш шарти билан узайтирилади.

6.5. Агар Суфурта қилдирувчи/Қарз олувчи Наф олувчининг/Қарз берувчининг олдидағи карзни қоплаш бўйича ўз мажбуриятларини муддатидан илгари тўлик ҳажмда бажарган бўлса, сугурта шартномаси сугурталаш даври тугагунча амал қиласи ва Суфурта қилдирувчи/Қарз олувчи мазкур шартноманинг шартлари бўйича Наф олувчи бўлиб қолади.

#### VII. СУГУРТА ШАРТНОМАСИНИНГ ТЎХТАТИЛИШИ.

7.1. Ҳар бир томон сугурта шартномасини исталган пайтда, бошқа томонни охирги манзили бўйича юборилган хат билан, тахминий бекор қилиш санасидан кечи билан ўттиз кун аввал хабардор қилган ҳолда, бекор қилиш хукуқига эга.

7.2. Суфурта шартномасининг амал қилиши куйидаги ҳолларда тўхтатилади:

- унинг амал қилиш муддати тугаганда;
- Суфурталовчи шартнома бўйича ўзининг мажбуриятларини тўлик ҳажмда бажарганда;
- шартнома томонлардан бирининг талабига кўра бекор қилингандা;
- Суфурталовчининг Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан белгиланган тартибда тугатилганда;

- жисмоний шахс бўлган Суфурта қилдирувчининг/Қарз олувчининг вафот этиши, агар учинчи шахс Суфурта қилдирувчининг вазифаларини бажаришни ўз зиммасига олмаган бўлса;

- суд сугурта шартномасини ҳақиқий эмас деб тан олий тўғрисида карор кабул қилган бўлса;

- Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига кўзда тутилган бошқа ҳолатларда.

7.3. Агар Суфурта қилдирувчи/Қарз олувчи сугурта шартномаси шартларига мувофиқ сугурта

мукофотининг навбатдаги қисми (транши)ни ўз вақтида тўламаган бўлса, мазкур суғурта шартномаси Суғурталовчи томонидан бир тарафлама бекор бўлган ҳисобланади ва Суғурталовчи ушбу суғурта шартномаси бўйича жавобгарлик олиб бормайди.

**7.4.** Навбатдаги суғурта бадали (навбатдаги транш) тўланганидан сўнг суғурта шартномаси қайта кучга киради, лекин суғурта шартномаси тўхтатилган кундан кейинги транш тўлангунгача бўлган суғурта ҳодисалари бўйича суғурта компанияси жавобгар ҳисобланмайди. Навбатдаги бадал (транш суммаси) ўз вақтида тўламаган тақдирда ҳодиса юзага келса, ҳодиса юзага келгандан сўнг навбатдаги транш тўланишидан қатъий назар суғурталовчи ўша даврда (кейинги транш ўтказиб юборилган давр) юзага келган суғурта ҳодисалари бўйича жавобгарлик олиб бормайди.

**7.5.** Суғурта шартномаси, агар у кучга кирганидан кейин суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимоли йўқолган ва суғурта хавфининг мавжуд бўлиши суғурта ҳодисасидан бошқа ҳолатлар бўйича тугаган бўлса, тузилган шартнома муддати келишидан олдин бекор бўлади. Бу ҳолда суғурта мукофоти қайтарилемайди.

**7.6.** Агар суғурта шартномаси тузилганидан кейин Суғурта қилдирувчи/Қарз оловчи Суғурталовчига ҳолатлар тўғрисида била туриб ёлғон маълумот бергани аниқланса, Суғурталовчи суғурта шартномасини ҳақиқий эмас деб тан олишни талаб қилиш хукуқига эга ва Суғурта қилдирувчи томонидан тўланган суғурта мукофоти қайтарилемайди.

**7.7.** Суғурталовчи, агар Суғурта қилдирувчи/Қарз оловчи мазкур суғурта шартномасининг шартларига биноан таваккалчилик даражаси ошгани учун қўшимча суғурта мукофотини тўлашга эътиroz билдирган ҳолда, суғурта шартномасини бекор қилишни талаб қилиш хукуқига эга.

### **VIII. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

#### **8.1. Суғурта қилдирувчи/Қарз оловчи қўйидаги хукуқларга эга:**

**8.1.1.** Суғурта шартномасининг бутун амал қилиши давомида Суғурталовчидан суғурта қилиш масалалари бўйича маслаҳатлар олиш.

**8.1.2.** Суғурта ҳодисаси юзага келганда Суғурталовчидан белгиланган тартибда суғурта товонини олиш.

**8.1.3.** Автотранспорт воситасига ўрнатилган қўшимча жиҳоз-ускуналарни қўшимча суғурта қилишни амалга ошириш.

**8.1.4.** Суғурталовчи билан келишувга биноан, суғурта шартномасига қўшимча битимни имзолаш йўли билан ўзгаришишларни ва/ёки қўшимчаларни киритиш.

**8.1.5.** Суғурталовчин албатта хабардор қилган ҳолда суғурта шартномасини муддатидан илгари бекор қилиш.

#### **8.2. Суғурта қилдирувчи/Қарз оловчи қўйидагиларга мажбур:**

**8.2.1.** Суғурталовчи талаб қилган хужжатларни, жумладан гаров, кредит ва транспорт воситасини олиш бўйича тегишли шартномаларни тақдим этиши шарт. Автотранспорт воситаси ҳарид қилинганидан ва расмийлаштирилганидан сўнг Суғурта қилдирувчи (Наф оловчи) томонидан автотранспорт воситасининг техник паспорти нусхаси 5 (беш) кунилик муддатда Суғурталовчига тақдим этилиши шарт.

**8.2.2.** Суғурта мукофотини суғурта шартномасида белгиланган тартиб ва муддатларда тўлаш.

**8.2.3.** Суғурталовчига суғурталаш обьекти тўлиқ ва ҳаққоний ахборотни бериш.

**8.2.4.** Суғурта шартномасининг амал қилиши даврида Суғурта қилдирувчи ёки Наф оловчи уларга маълум бўлиши билан дарҳол, лекин кўпи билан 5 (беш) банк куни ичida, Суғурталовчига суғурта обьектига тегишли бўлган барча жиддий ўзгаришлар тўғрисида, агар ушбу ўзгаришлар суғурта қилиш таваккалчилигининг ортишига жиддий таъсир этиши мумкин бўлса, жумладан қўйидагилар ҳақида хабар бериши шарт:

- суғурталанган автотранспорт воситасини ва (ёки) унинг қўшимча жиҳоз-ускуналари ва анжомларини ишончнома ёки ижара (прокат) шартномаси бўйича бериш;

- автотранспорт воситасига бўлган мулк хукукининг бошқа шахсга ўтиши;

- аризада кўрсатилган транспорт воситасидан фойдаланиш мақсадларининг ўзгариши;

- қўшимча газ жиҳоз-ускуналарини ўрнатиш;

- автотранспорт воситасини ЙХХБ органларида рўйхатдан олиш ёки қайта рўйхатдан ўтказиш;

- суғурталанган автотранспорт воситаси учун рўйхат хужжатлари, автотранспорт воситасининг калитлари, сигнализацияни бошқариш пульти, рўйхат (ракам) белгиларининг йўқотилиши ёки ўғирланиши.

**8.2.5.** Суғурта обьектларини кўздан кечириш учун имконият бериш.

**8.2.6.** Суғурталанган автотранспорт воситаси билан мазкур суғурта шартномасининг 3.1.2. бандида кўрсатиб ўтилган таваккалчиликлар содир бўлгандা Суғурта қилдирувчи/Қарз оловчи:

а) зудлик билан, имкони туғилиши билан, лекин ҳодиса юзага келиши пайтидан кўпин билан 24 соат ичida, Суғурталовчига ёки унинг вакилига ҳодиса жойини аниқ кўрсатган ҳолда билдириш. Билдиришдан кейин 72 (етмиш икки) соат ичida Суғурта қилдирувчи/Наф оловчи Суғурталовчига ҳодисасининг сабаблари ва ҳолатлари баён этилган хабарномани ёзма шаклда (факс ёки бошқа шаклда) юбориши лозим;

б) зудлик билан юз берган воқеа тўғрисида хукуқни муҳофаза қилиш органларига хабар бериш;

в) Суғурталовчига тергов органлари томонидан таодикланган ушбу ҳодиса бўйича жиноий ишнинг

кўзғатилиши ёки тўхтатилиши тўғрисида, ёки ишни судга жўнатиш тўғрисидаги қарорларининг нусхаларини тақдим этиш;

г) Суғурталовчига шикастланган автотранспорт воситасини кўздан кечириш учун тақдим этиш, автотранспорт воситасининг барча шикастланган қисмларининг фотосуратларини олиш ёки видео суратга олиш, Суғурталовчи билан автотранспорт воситасини таъмирлаш ишларини бажариш бошланишигача ўзининг кейинги ҳаракатларини келишиб олиш;

д) Суғурталовчига барча ишлар, эҳтиёт қисмлар ва материаллар рўйхати кўрсатилган таъмирлашни бажариш учун калькуляцияларнинг нусхаларини тақдим этиш;

е) Суғурталовчига тергов органлари томонидан тасдиқланган ушбу ҳодиса бўйича жиноий ишнинг кўзғатилиши ёки тўхтатилиши тўғрисида, ёки ишни судга жўнатиш тўғрисидаги қарорларининг нусхаларини тақдим этиш;

ж) Суғурталовчининг талабига асосан суғурта ҳодиса билан боғлик бўлган бошқа хужжатлар.

8.2.7. Наф олувчи/Қарз берувчи мазкур суғурта шартномасининг 3.1.1. бандида кўрсатиб ўтилган таваккалчиликлар содир бўлганда кўйидаги хужжатларни Суғурталовчига тақдим этади:

- Суғурта ҳодисаси бўйича ариза;

• Қарз олувчи кредитни сўндириш учун пул маблағлари ўtkазиш ҳақида тўлов топширикномалари нусхалари;

- кредит шартномаси амал қилган муддатда маблағлар ҳаракати тўғрисида Қарз олувчининг асосий ва ссуда ҳисоб рақамларидан кўчирмалар;

- жорий санада Қарз олувчининг ҳисоб рақамидаги маблағлар сальдоси тўғрисида банк маълумотномаси;

- Қарз олувчи умидсиз деб тавсифланлигини тасдиқловчи банк Бошқаруви қарори нусхалари тақдим этилиши лозим.

- Кредит шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисидаги Бошқаруви қарори нусхаси;

- ўтказилган мониторинг натижасида Қарз олувчини тўлов қобилиятига эга эмаслиги тўғрисида мониторинг хужжатлари нусхаларини;

- Қарз олувчи вафот этганлиги бўйича хужжат нусхалари;

- Суғурталовчининг талабига асосан суғурта ҳодиса билан боғлик бўлган бошқа хужжатлар.

8.2.8. Суғурталовчига суғурта шартномасининг амал қилиши даври мобайнида суғурталанган автотранспорт воситасининг ҳолатини, шунингдек Суғурта қилдирувчи томонидан автотранспорт воситаси тўғрисида билдирилган маълумотларнинг тўғрилигини текшириш имконини бериш.

8.2.9. Олган кредитни суғурталовчига тақдим этилган аризада ва кредит шартномасида кўрсатилган максадларгагина ишлатиши.

8.2.10. Суғурталовчи томонидан суғурта товони тўлаб берилиши мажбурияти юзага келганда ва ушбу суғурта товони мустақил баҳолаш ташкилоти томонидан берилган хulosасига асосан шикастланган автотранспорт воситасининг эҳтиёт қисмларини алмаштирилиши ҳаражатларини қоплаши кўзда тутилган бўлса, Суғурта қилдирувчи автотранспорт воситасининг алмаштирилган эҳтиёт қисмларини Суғурталовчининг иҳтиёрига тақдим этиш.

### 8.3. Суғурталовчи қўйидаги хуқуқларга эга:

8.3.1. Суғурта шартномасининг амал қилиши даврида суғурталанган автотранспорт воситасининг ҳолатини ва қийматини, шунингдек Суғурта қилдирувчи томонидан автотранспорт воситаси тўғрисида билдирилган маълумотларнинг тўғрилигини текшириш.

8.3.2. Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчидан суғурта ҳодисаси тўғрисидаги ёзма хабарномани кутмай, суғурта ҳодисаси билан етказилган заараларни кўриб чиқишига ва баҳолашга киришиш.

8.3.3. Суғурта ҳодисаси юзага келганда таваккалчиликнинг даражасини тавсифлайдиган кўшимча хужжатларни талаб қилиш.

8.3.4. Суғурта ҳодисаси юзага келганлиги ҳолатини ва сабабларини тасдиқловчи тўлик маълумот ва керакли хужжатлар олинишигача, шунингдек ҳодиса юзага келиши ҳолати бўйича жиноий иш кўзғатилиши ҳолатида - ваколатли органлар томонидан тегишли қарор қабул қилиниши пайтигача суғурта товонини тўлашни кечиктириш.

8.3.5. Агар у суғурта таваккалчилигининг ортишига олиб келувчи ҳолатлар тўғрисида хабардор этилган бўлса, ўзаро кўшимча битимни имзолаш орқали суғурта шартномасининг шартларини ўзгартириш ёки суғурта шартномасини бекор қилиш.

8.3.6. Суғурталовчи томонидан суғурта товони тўлаб берилиши мажбурияти юзага келганда ва ушбу суғурта товони мустақил баҳолаш ташкилоти томонидан берилган хulosасига асосан шикастланган автотранспорт воситасининг эҳтиёт қисмларини алмаштирилиши ҳаражатларини қоплаши кўзда тутилган бўлса, Суғурта қилдирувчидан автотранспорт воситасининг алмаштирилган эҳтиёт қисмларини қабул қилиб олиш.

### 8.4. Суғурталовчи қўйидагиларга мажбур:

8.4.1. Суғурта полисини ушбу шартномада белгиланин муддатда бериш.

8.4.2. Барча керакли хужжатлар олинишидан на суғурта ҳодиса юзага келганлиги ҳолати эътироф

этилганидан кейин 10 кунлик муддатда суфурта товонини тұлаш.

**8.4.3.** Суфурта қилдирувчи, Наф олувчи билан муносабаттарда маҳфийликни таъминлаш.

**8.4.4.** Суфурта товонини тұлашдан аввал Наф олувчини бу ҳақда ёзма огохлантириш.

**8.5. Наф олувчи қуйидаги хуқуқларга эга:**

**8.5.1.** Суфурта товони суммасидан ўз талабарини устувор тарзда, лекин Суфурта қилдирувчи/Қарз олувчининг қарз бўйича Наф олувчи/Қарз берувчининг олдида қарздорлиги суммасидан ошмаган ҳолда қондириш.

**8.6. Наф олувчи қуйидагиларга мажбур:**

**8.6.1.** Суфурталовчини кредит шартномасининг узайтирилиши тўғрисида, шунингдек Суфурта қилдирувчи/Қарз олувчи томонидан кредиттинг муддатидан илгари қопланиши тўғрисида хабардор этиш.

## IX. СУФУРТА ТОВОНИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ.

**9.1. Қарз олувчининг олган кредитини қайтара олмаслик жавобгарлигини суфурта қилиш бўйича:**

**9.1.1.** Суфурта ҳодисаси юзага келганда Наф олувчи/Қарз берувчи З (уч) кунлик муддатда суфурталовчini белгиланган тартибдаги ариза билан кредиттинг қайтарилмаслик сабаблари ва уни қайтариш бўйича қўрилаётган барча чоралари тўғрисида ёзма тарзда мурожаат қилиши шарт.

Аризага

хужжатлар илова қилиниши лозим:

- кредит бўйича қарздорлик акс эттирилган хужжат;
- кредитни мақсадли ишлатилганлигини ва белгиланган муддатларда уни қайтарилиши бўйича кўрилган чораларни тасдиқловчи хужжатлар нусхалари.

**9.1.2.** Кредит белгиланган муддатда қайтарилмаганда, Наф олувчи/Қарз берувчи биринчи навбатда гаровдаги таъминот (мулк) ёки олингандан кафилликдан фойдаланади (ундирилади), сўнг қарз олувчининг олган кредитини қайтара олмаслик жавобгарлигини суфурта қилиш полисидан фойдаланади.

**9.1.3.** Суфурта қилдирувчининг аризаси кўриб чиқилганидан ва кредит қайтарилмаганлиги аниклангандан сўнг, Қарз олувчи, Қарз берувчи ва Суфурталовчи ўртасида З томонлама, З нусхада далолатнома тузилади. Далолатнома Суфурталовчининг амалдаги қонунчиликка асосан суфурта тўловини тўлаш ёки рад этиш хукуки мавжуд бўлган мастьул ҳодими томонидан имзоланади.

**9.1.4.** Суфурталовчи томонидан Наф олувчи/Қарз берувчига суфурта тўлови амалга оширганидан сўнг, Наф олувчи/Қарз берувчига кредиторларидан (суфурта ҳодисаси юзага келишида айбор) келиб тушган маблағлар Суфурталовчининг ҳисоб рақамига тўланган суфурta тўлови учун ўtkазилиши шарт.

**9.1.5.** Суфурталовчи суброгация хуқуқидан фойдаланиб, тўлаган суфурta тўлови суммасини ундиригандан сўнг Наф олувчи/Қарз берувчи берган хуқуқ бўйича қолган ортиқча маблағ Суфурталовчи томонидан Суфурта қилдирувчига қайтариб берилади.

**9.2. Автотранспорт воситасининг йўқотилиши ёки шикастланиши риски бўйича Суфурта қилдирувчи/Қарз олувчи суфурta ҳодисаси юз бергани ўзига маълум бўлганидан кейин бу ҳақда дарҳол (72 соат ичida) Суфурталовчини ёки унинг вакилини хабардор қилиши шарт. Ушбу мажбуриятнинг бажарилмаслиги Суфурталовчига, агар суфурталовчи суфурta ҳодисаси юз берганини ўз вақтида билганлиги, ёхуд бу ҳақда суфурталовчida маълумотлар йўқлиги унинг суфурta товонини тўлаш мажбуриятiga таъсир этмаслиги исботланмаса, суфурta товонини тўлашни рад этиш хукуқини беради (ЎзР ФК нинг 951-моддаси).**

**9.2.1.** Ҳодиса тўғрисидаги аризада Суфурta қилдируvчи/Қарз олувчи қуйидагиларни кўрсатади:

- ҳодисанинг санаси ва тафсилотлари;
- ҳодиса юзага келганда Суфурta қилдируvчи/Қарз олувчининг амалга оширган ҳаракатлари;
- шикастланган мазкур автотранспорт воситасининг бошка суфурta шартномалари асосида суфурталанганлиги ёки йўқлиги тўғрисида;
- учинчи шахслардан олингандан зарар компенсациясининг миқдори.

**9.2.2.** Аризага мазкур суфурta шартномасининг 8.2.6. бандида кўрсатиб ўтилган хужжатлар илова қилинади.

**9.2.3.** Суфурталовчи суфурta ҳодисасининг ҳолатларига боғлиқ ҳолда кўшимча маълумот ва хужжатларни талаb қилишга ҳақлиди.

**9.2.4.** Суфурta қилдируvчи/Қарз олувчининг аризаси берилганидан кейин З кунлик муддатда Суфурталовчи томонидан Суфурta қилдируvчи/Қарз олувчининг иштироқида шикастланган автотранспорт воситасини кўздан кечириш далолатномаси тузилади.

**9.2.5.** Суфурta ҳодисаси тўғрисида далолатнома барча кераки хужжатлар олинганидан ва Суфурталовчи томонидан тегишли қарор қабул қилинганидан кейин тузилади. Уни тузиш учун Суфурталовчи, зарур бўлганда, суфурta ҳодисаси билан боғлиқ бўлган маълумотларни хуқуқни муҳофаза қилиш органларидан ва суфурta ҳодисасининг ҳолатлари тўғрисида маълумотга эга бўлган бошка муассасалардан сўраб олади, шунингдек суфурta ҳодисасининг сабабларини ва ҳолатларини мустақил аниқлаш хукуқига эга.

**9.2.6.** Суфурta ҳодисасининг ҳолатларини тергов қилиш учун, Суфурталовчи ёки Суфурta қилдируvчи/Қарз олувчи мустақил экспертларни (бошка мустақил баҳоловчи) жалб қилиш хукуқига эга.

Уларнинг хulosаси суфурта товонини тўлаш суммасини ўзгаририш учун асос бўлади.

**9.2.7.** Суфурта товони суммасига шунингдек (тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлганда) Суфурта қилдирувчи/Қарз олувчининг калькуляцияни тузиш ва фото (видео) суратга олиш учун харажатлари киритилади.

Суфурта товони миқдори суфурта шартномасида/полисида белгиланган суфурта суммасидан ошмаслиги лозим.

Суфурта товони суммасига киритилмайди:

- ишлаб чиқарувчи завод томонидан чиқарилган брак;
- автотранспорт воситасига техник хизмат кўрсатиш ва кафолатли таъмирлаш қиймати;
- автотранспорт воситасининг реконструкцияси, унинг қисмларини, деталлари ва анжомларини эскирганлиги, техник брак ва ҳоказолар туфайли таъмирлаш (алмаштириш) билан боғлик бўлган ишларнинг қиймати

Суфурта товонини тўлаш автотранспорт воситасининг алмаштирилиши лозим бўлган эҳтиёт қисмларининг табиий эскиришини ҳисобга олган ҳолда (табиий эскириш суммаси айрилган ҳолда) амалга оширилади.

**9.2.8.** Агар суфурта ҳодисаси юзага келишига сабаб бўлган ҳолатлар бўйича жиной иш қўзғатилган ёки суд процесси бошланган бўлса, суфурта товони тўғрисида қарор қабул қилиш тергов ёки судда иш кўрилиши тугаунга кадар кечикирилиши мумкин.

**9.2.9.** Суфурта товони Суфурталовчи томонидан у барча керакли хужжатлар олганидан ва суфурта ҳодисаси эътироф этилганидан кейин 10 банк куни ичida тўланади.

**9.2.10.** Барча ҳолларда суфурта товони суфурta шартномасида/полисида белгиланган шартсиз франшиза суммаси айрилган ҳолда ҳисобланади.

**9.2.11.** Суфурта шартномаси бўйича суфурta суммасидан камрок суфурta товони тўланган ҳолда шартнома ўз муддатининг охиригача, шартномада белгиланган суфурta суммаси ва тўланган суфурta товони ўтасидаги фарқ миқдорида ўз кучини сақлаб колади.

**9.2.12.** Суфурta қилдирувчи/Қарз олувчи, агар зарар тўлиқ қопланган бўлса ёки суфурta товони суднинг қарорига кўра зарар етказилишига айбдор бўлган шахс томонидан амалга оширилса, суфурta товонини олиш ҳукуқидан маҳрум бўлади.

**9.2.13.** Агар Суфурta қилдируvчи/Қарз олувчи ёки Наф олувчи/Қарз берuvchi айбдор ёки учинчи шахслардан зарарни қоплаш бўйича суммани олса, Суфурталовчи фақат суфурталаш шартларига кўра тўланиши лозим бўлган сумма ва айбдор ёки учинчи шахслардан олинган сумма орасидаги фарқни тўлайди.

**9.2.14.** Суфурталовчининг суфурta товонини ёки суфурta пулени тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори Суфурta қилдируvчига ёки Наф олувчига улар суфурta товонини ёки суфурta пулени тўлашни сўраб мурожаат этганларидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши ва рад этиш сабабларининг асослантирилган далил-исботларини ўз ичига олган бўлиши лозим.

**9.2.15.** Суфурталовчининг суфурta товонини ёки суфурta суммасини тўлашни рад этиш қарори устидан, унга судда даъво билдириш йўли билан шикоят қилиниши мумкин.

**9.3.** Суфурta товонини тўлиқ ёки қисман тўлаган Суфурталовчининг ушбу сумма доирасида зарар етказганлик учун жавобгар бўлган шахсга нисбатан талаб қилиш ҳукуқи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра ушбу суммага ўтади, бундан ташқари, агар суфурta ҳодисаси юз берганда масъул шахс Суфурta қилдируvчи ёки Наф олувчи (ёки уларнинг хайдовчилари) суфурta ҳодисаси юз беришида жавобгар шахс бўлган ҳоллар бундан мустасно.

**9.4.** Суфурta қилдируvчи ёки Наф олувчи Суфурталовчига Суфурталовчи томонидан унга ўтган талаб қилиш ҳукуқини амалга ошириши учун зарур бўлган барча хужжатларни ва исботларни бериши ва унга барча керакли маълумотларни тақдим этиши шарт.

**9.5.** Агар Суфурta қилдиruvchi ёки Наф олувчи ўзининг Суфурталовчи томонидан қопланган зарарлар учун жавобгар бўлган шахсга нисбатан талаб қилиш ҳукуқидан воз кечган бўлса ёки Суфурta қилдиruvchi/Қарз олувчининг ёки Наф олувчи/Қарз берuvchi/Қарз берuvchiniнг айби билан ушбу ҳукуқни амалга ошириш мумкин бўлмай қолса, Суфурталовчи суфурta товонини тўлашдан тўлиқ ёки тегишли қисмида озод этилади ва ортиқча тўланган товон суммасини қайтарилишини талаб қилишга ҳақли бўлади.

## X. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

**10.1.** Ўз зиммасига олинган мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлади.

**10.2.** Агар томонларнинг ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларни бажармаслиги енгиб бўлмайдиган кучдаги ҳолатлар туфайли юзага келган бўлса, улар жавобгарликдан озод қилинади (форс-мажор). Енгиб бўлмайдиган кучдаги ҳолатлар таъсирига учраган томон бошқа томонни ушбу ҳолатларнинг юзага келганлиги ва эҳтимолий давом этиши муддати тўғрисида зудлик билан огохлантириши лозим.

## XI. БОШҚА ШАРТЛАР.

**11.1.** Юридик шахс бўлган Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчининг қайта ташкил этилиши ҳолатида ҳамда жисмоний шахс булган Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи вафот этса суғурта шартномаси бўйича хукуклар ва мажбуриятлар унинг хукукий ворисига ўтади, Суғурта қилдирувчи//Қарз олувчи Суғурталовчига бу ҳақда ёзма ҳолда билдиради.

**11.1.1.** Суғурталанган автотранспорт воситасига мулк хукуклари суғурта шартномаси унинг манфаатида тузилган шахсдан бошқа шахсга ўтганда, шартнома бўйича хукуклар ва мажбуриятлар ҳам автотранспорт воситаси бўйича хукуклар ўтган шахсга ўтади. Хукуклар унга ўtkазилган шахс Суғурталовчини бу ҳақда З кунлик муддатда ёзма тарзда хабардор этиши лозим.

**11.2.** Суғурта шартномаси бўйича хукуклар ва мажбуриятларнинг учинчи шахсга ўtkазилишига томонларнинг ёзма розилигисиз йўл қўйилмайди.

**11.3.** Томонлар форс-мажор ҳолатлари амал қилиш даврида суғурта шартномаси бўйича ўз мажбуриятларининг қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги учун жавобгар бўлмайди.

**11.4.** Форс-мажор ҳолатларига кўйидагилар киради: уруш ва ҳарбий ҳаракатлар, иш ташлашлар, блокадалар, давлат ташкилотларининг ва давлатлар орасидаги чеклов ва тақиқлаш чора-тадбирлари.

**11.5.** Форс-мажор ҳолатлар юзага келиши тўғрисида томонлар бир-бирини ёзма тарзда хабардор килади.

**11.6.** Форс-мажор ҳолатлар юзага келган ҳолда, томонларнинг мажбуриятларини бажариши муддати форс-мажор ҳолатлари амал қилган вақтга мутаносиб ҳолда кечикирилади.

**11.7.** Мазкур шартномада таърифланмаган барча масалалар бўйича томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига таянади.

## XII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

**12.1.** Суғурта шартномасидан келиб чиқадиган барча низолар қонунчилик билан белгиланган тартибда ҳал этилади.

## XIII. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

**СУҒУРТАЛОВЧИ:**  
“SEMURG INSURANCE” АЖ

Манзил: Тошкент шаҳри, Яшнабод тумани,  
Содиқ Азимов кўчаси, 50 уй.  
Х/р: 2021 4000 9052 0466 7087  
Банк: ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиали  
Банк коди: 01121  
СТИР: 307 281 137  
Тел.: +998 71 205-11-55

**НАФ ОЛУВЧИ:**  
“DAVR BANK” ХАТБ

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий-Зарқайнар  
кўчаси, Блок А.  
Х/р: 2980 1000 3000 0098 1776  
Банк коди: 00881  
СТИР: 203 709 707  
Тел.: +998 71 204-40-40

## ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ:

**СУҒУРТАЛОВЧИ НОМИДАН:**

Бош директор  
Р.К.Кадиров

имзо



**НАФ ОЛУВЧИ НОМИДАН:**

Бошқарув Раиси  
А.А.Самадов

имзо



м.ў.

2024 йил «30» июлдаги  
25-84-241098- сонли гаровга бериләтган  
автотранспорт воситалари ва  
автокредитларни суғурта қилиш бош  
шартномасининг 1-иловаси

**ДЕКЛАРАЦИЯ**

<b>1-бўлим. Умумий маълумотлар:</b>	
1.1.	Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи
1.2.	Наф олувчи/Қарз берувчи
1.3.	Суғурта даври
1.4.	Кредит шартномаси санаси ва раками
1.5.	Кредит суммаси
1.6.	Кредит шартномасининг даври
Суғурта полисида кўрсатилади	
<b>2-бўлим. Автотранспорт воситаси ҳақида маълумотлар:</b>	
2.1.	Автотранспорт воситаси русуми ва ишлаб чиқарилган йили
2.2.	Автотранспорт воситаси техпаспорт раками ва берилган вакти
2.3.	Автотранспорт воситаси давлат раками
2.4.	Автотранспорт воситасининг суғурта қиймати
2.5.	Кредитини қайтара олмаслик жавобгарлиги бўйича суғурта суммаси
2.6.	Автотранспорт воситасининг суғурта суммаси
<b>3-бўлим. Умумий суғурта мукофоти:</b>	
3.1.	Шартнома бўйича умумий суғурта мукофоти
3.1.1.	Автотранспорт воситаси бўйича суғурта мукофоти
3.1.2.	Кредитларни суғурталаш бўйича суғурта мукофоти
3.2.	Тўланган суғурта мукофоти
Суғурта қилдирувчи ушбу декларацияда хабар килинган маълумотлар ҳаққонийлигини ҳамда суғурта шартномаси тузиш ва имзолаш учун асос бўла олишини тасдиқлайди. Шу билан биргаликда, Суғурта қилдирувчи суғурта шартномаси билан танишганилиги ва суғурта шартларига розилиги тасдиқлайди.	

**ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ:**

**Суғурталовчи  
номидан**

(имзо) м.ў.

**Суғурта қилдирувчи/Қарз  
олувчи номидан**

м.ў.

**Наф олувчи/Қарз берувчи  
номидан**

(имзо) м.ў.

**ГАРОВГА БЕРИЛАЁТГАН АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ВА АВТОКРЕДИТЛАРНИ  
СУГУРТА ҚИЛИШ СУГУРТА ПОЛИСИ**

“SEMURG INSURANCE” АЖ, 2024 йил 30 июлдаги 25-84-241098 – сонли гаровга берилаётган автотранспорт воситалари ва автокредитларни сугурта қилиш бош шартномасида күрсатилган таваккалчиликлардан сугурта ҳимоясини тақдим этади:

<b>1. Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи:</b>			
<b>2. Наф олувчи/Қарз берувчи:</b>			
<b>3. Автотранспорт воситаси русуми:</b>			
<b>4. Автотранспорт воситаси қиймати:</b>	_____ ( _____ ) сум.		
<b>5. Кредит суммаси:</b>	_____ ( _____ ) сум.		
<b>6. Суғурталанган таваккалчиликлар, суғурта суммаси ва суғурта мукофоти:</b>	<b>Суғурталанган таваккалчиликлар</b>	<b>Суғурта суммаси</b>	<b>Суғурта мукофоти</b>
	Қарз олувчининг олган кредитини қайтара олмаслик жавобгарлигини суғурта қилиш	( _____ ) сўм	( _____ ) сўм
<b>7. Суғурталаш даври:</b>	Автотранспорт воситасининг йўқотилиши ёки шикастланиши	( _____ ) сўм	( _____ ) сўм
	20 ____ й. “ ____ ” _____ дан 20 ____ й. “ ____ ” _____ гача амал қиласди.		
<b>8. Суғурта мукофотини тўлаш санаси:</b>	« ____ » _____ 20 ____ г.		
<p align="center"><i>Автотранспорт воситаси ҳарид қилиниб, расмийлаштирилгандан ва Гаровга қўйилгандан сўнг Суғурта қилдирувчи ёки Наф олувчи томонидан автотранспорт воситасининг техник паспорти нусхаси 5 (беш) кунлик муддатда Суғурталовчига тақдим этилиши шарт.</i></p>			

**Суғурталовчи номидан:**

\_\_\_\_\_

(имзо) м.ў.

**Берилган сана: 20 \_\_\_\_ й. “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_**